10 598

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий мажмуининг ислоҳотлар боришининг 1998 йил биринчи чорак якунларига бағишланган мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирликлар, қўмиталар, компаниялар ва идоралар раҳбарлари, Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий мажмуи котибиятининг масъул ходимлари иштирок этди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев бошқарди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Б. Ҳусанбоев, «Ўзфармсаноат» концерни раиси Қ. Шоднев, Фан ва техника Давлат қўмитаси раиси П. Ҳабибуллаев, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Ш. Ёрматов ва бошқалар ўзлари раҳбарлик қилаётган вазирлик, қўмита, компания, жамоат ташкилотларида жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ҳақида гапирдилар.

***

Дунёга машҳур «Интернешнл хералд трибюн» нашриёти вакиллари Б. Фарамарци ва Ж. Стейпаз Ўзбекистонда бўлиб, иқтисодиётимизда муҳим ўрин тутган бир қанча маҳаллий ва қўшма корхоналар фаолияти билан танишди.

Нашриёт бир юз саксон мамлакатта тарқаладиган, беш юз мингдан ошиқроқ ўқувчиси бўлган кундалик «Хералд трибюн» газетасининг саккиз саҳифасини Ватанимиз ҳақидаги материалларга бағишламоқчи. Мазкур танишув сафари шу йўналишда қўйилган дастлабки қадам бўлди.

***

Одессада ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда мамлакатимиз каратэчилари ажойиб ғалабага эришдилар. Улар қирқ жамоа, саккиз юз нафар каратэчи қатнашган баҳсда 9 та олтин, 2 та кумуш медални қўлга киритиб, жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

***

Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари давом этмоқда. Ушбу тадбир доирасида Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети маданият саройида атоқли адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов билан учрашув бўлиб ўтди.

Уни университет ректори, академик Т. Долимов очди.

Учрашувда сўзга чиққан Ч. Айтматов ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги абадий дўстлик, Ўзбекистонда бошланган Қирғизистон маданияти кунларининг аҳамияти тўғрисида сўзлади. Бундай тадбирлар маданият, санъат, умуман ижод аҳли ўртасидаги борди-келдилар халқлар, маданиятлар, алалоқибат давлатларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Адиб ўз сўзида Ўзбекистонда кечаётган жараёнларга алоҳида тўхталиб, уларни мисли кўрилмаган ўзгаришлар, деб атади. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида халқимиз катта ишонч билан ўзининг буюк келажагини қураётганлигини алоҳида таъкидлади.

***

Чирчиқ шаҳридаги 9-мактаб-гимназияда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 50 йиллиги муносабати билан ҳуқуқий таълим масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов, БМТнинг бир қатор халқаро ташкилотлари вакиллари, Халқ таълими вазирлиги, пойтахт вилоят халқ таълими бўлими ходимлари қатнашди.

Семинар иштирокчилари мамлакатимиз мустақилликка эришгач ҳуқуқий таълимга эътибор кучайганини, мактаблар, гимназиялар, лицейлар ва бошқа ўқув юртларида бу соҳада махсус фанлар ўқитилаётганини таъкидладилар.

Анжуманни Чирчиқдаги рус маданияти маркази, 9-мактаб-гимназия ва инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўтказди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 18 апрель, шанба • № 47 (22.284).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ТАРИХИЙ МУЛОҚОТЛАРНИНГ ДАВОМИ

17 апрель куни мамлакатимизга Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан-Люк Дехане расмий ташриф буюрди. «Дўрмон» қароргоҳида Ж. -Л. Деханени расмий кутиб олиш маросими бўлди. Бельгия Бош вазири шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Жан-Люк Дехане шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳар икки мамлакат Давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Ж. -Л. Дехане фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Жан-Люк Деханенинг яккама-якка суҳбати бўлди. Мулоқот чоғида икки давлат ўртасидаги муносабатлар, халқаро сиёсат майдонида юз бераётган ўзгаришлар, дунёда тинчликни сақлаш ва бошқа масалалар хусусида фикр алмашилди. Ислом Каримов Бельгия Бош вазирини мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон — Бельгия муносабатлари тобора ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Ж. -Л. Деханенинг мазкур ташрифи бу муносабатларни янада юқори босқичга кўтаришига ишонч билдирди.



СУРАТДА: яккама-якка суҳбат пайти. А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Сўнгра Ислом Каримов ва Жан-Люк Дехане иштирокида икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Бельгия ўртасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш, хусусан, савдо-сотиқ, сармоя жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Европанинг 15 мамлакатини бирлаштириб турган Европа Иттифоқи тузилмаси бугунги кунда дунёнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий иқлимини белгилаб турган нуфузли ташкилотлардан саналади. Президент Ислом Каримовнинг 1996 йил июнида Италияга сафари чоғида Ўзбекистон ҳамда Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди. Айни пайтда мазкур битимни ЕИнинг етти мамлакати ратификация қилди.

Музокаралар чоғида Ислом Каримов икки мамлакат ўртасида ўзаро ҳамкорликни равнақ топтириш учун имкониятлар кўлами кенг эканини қайд этди. Масалан, Бельгия гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш жиҳатидан дунёда олдинги ўринда туради. Бу тармоқ Ўзбекистонда ҳам яхши ривожланган. Айнан шу соҳада, қолаверса, машинасозлик, нефтьгаз саноати, банк инфратузилмаси, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик кўламларини кенгайтириш имкониятлари ҳар икки мамлакатда каттадир.

Музокараларда Бельгия Бош вазири юртимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ўрнатилган ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда давлатлараро иқтисодий интеграциялашув жараёнларини фаоллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди. У Ўзбекистон — Бельгия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари кўламларини кенгайтириш юзасидан Ислом Каримов билдирган фикрларга қўшилишини алоҳида таъкидлади.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда расмий ташриф якунлари бўйича қўшма баёнот, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Бельгия — Люксембург иқтисодий иттифоқи ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида битим ҳамда 1996 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ва Бельгия Қироллиги ўртасида имзоланган икки ёқлама солиқ солмаслик ва даромад ҳамда капитал солиқлари тўлашдан бош тортишга йўл қўймаслик тўғрисидаги конвенцияга тузатишлар киритиш бўйича қўшимча протокол имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон томонидан Президент Ислом Каримов, Бельгия томонидан Бош вазир Жан-Люк Дехане имзоладилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Жан-Люк Дехане оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Ислом Каримов ҳамда Жан-Люк Дехане бўлиб ўтган музокаралар давомида муҳокама этилган масалалар юзасидан яқдилликка эришилганини маълум қилдилар.

Анжуманда Ўзбекистон билан Бельгия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик йўналишлари, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, МДҲ доирасидаги воқеалар билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳақида гапирар экан, Президент Ислом Каримов жумладан шундай деди:

— Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий мулкни шакллантириш биз учун нафақат устувор, балки эртанги кун мезонини белгилайдиган масаладир. Бугун жаноб Дехане билан мулоқотимиз чоғида Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун Европа Иттифоқи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, қолаверса, бошқа халқаро молиявий муассасалар бераётган ёрдам ҳақида сўз борди. Ҳозир бу ёрдам миқдори 400 миллион АҚШ доллари миқдорига тенг. Таъкидлаш керакки, биз учун кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий аҳамиятга эга. Шу маънода Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада ривожланиши учун жамиятда мулкдорлар синфи шакланмоғи лозим. Кичик ва ўрта бизнес равнақи эса бунинг учун зарур асосни яратади.

Жан-Люк Дехане мамлакатимизда иш юритаётган бельгиялик ишбилармонлар фаолияти тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, улар Ўзбекистон иқтисодиётининг деярли барча тармоқларига катта қизиқиш билан қараётганини айтди.

Ўзбекистон билан Бельгия Европа мамлакатлари ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга бориб тақалишини, республикамиз мустақилликка эришгач, бундай мулоқотлар янгича мазмун касб этаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Анжуманда Ўзбекистон Президенти ва Бельгия Бош вазири журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам батафсил жавоб қайтардилар.

Шу куни юксак мартабали меҳмон Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюрди. Жан-Люк Дехане буюк шоир ва мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Бельгия Қироллиги Бош вазири Олий Мажлисда ҳам бўлди. Учрашувда Ўзбекистон Парламенти Раиси Э. Халилов Жан-Люк Деханени мамлакатимизда қонунчиликни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлатчиликни мустаҳкамлашда қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирди. Шунингдек, Олий Мажлис фаолияти, хорижий мамлакатлар парламентлари, жумладан, Бельгия сенати ва вакиллар палатаси ҳамда Европарламент билан йўлга қўйилган алоқалар ҳақида сўзлаб берди.

Бельгия Бош вазири Парламент фаолияти билан танишар экан, Ўзбекистон нафақат иқтисодий, балки демократия ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритганига гувоҳ бўлганини таъкидлади. Шунингдек, у Олий Мажлиснинг янги қурилган муҳташам биносини кўздан кечириб, унинг ҳар томонлама мукаммал эканини, халқаро андозалар талабига тўла жавоб беришини қайд этди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Бельгия Бош вазири Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди. Темурийлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи ноёб тарихий ашёлар юқори мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди. У Ўзбекистонда аждодларга эҳтиром, миллий анъана ва қадриятларга эътиборнинг юксаклигини мамнуният билан қайд этди. Зиёрат сўнгтида Бельгия Қироллиги Бош вазири музейнинг фахрий меҳмонлар китобига ўз дастхатини ёзиб қолдирди.

Жан-Люк Дехане 18 апрель куни қадим Самарқандни зиёрат қилади. Шунинг билан Бельгия Қироллиги Бош вазирининг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етади.

(ЎзА)

БЕЛЬГИЯ ҚИРОЛЛИГИ БОШ ВАЗИРИ ЖАНОБ ЖАН-ЛЮК ДЕХАНЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА

ҚЎШМА БАЁНОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан-Люк Дехане 1998 йил 17—18 апрель кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди. Бельгия Бош вазирининг Ўзбекистонга биринчи ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Жаноб Дехане ўз ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари билан учрашди. Расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди.

Томонлар икки томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларини ва иккала томонни ҳам қизиқтираётган муҳим халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар. Бу ташриф икки томонлама муносабатларни кенгайтириш йўлида муҳим қадам бўлиб, ҳамкорликнинг барча соҳаларида бу муносабатларни янада ривожлантиришга катта туртки берди. Иккала томон 1996 йил 13 ноябрда имзоланган қўшма сиёсий декларация қоидаларига содиқлигини тасдиқлади.

Томонлар ўз мамлакатларидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида, шунингдек, ҳукуматларнинг келажакка мўлжалланган асосий устувор дастурлари тўғрисидаги ахборотларни айирбош қилдилар. Бельгия томони Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлади ва бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳим эканлигини таъкидлади.

Томонлар саноат, савдо ва инвестиция соҳасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бердилар. Бельгия Бош вазири Бельгия иқтисодий делегациясининг 1996 йил июнида Ўзбекистонга ташрифи муваффақиятли ўтганини таъкидлаб, Бельгия ишбилармон доиралари ўзларининг мамлакат иқтисодиётидаги иштирокини ва мамлакатга жалб этилиши йўлларини бундан буён ҳам ўрганишга интилаётганини билдирди.

Музокаралар чоғида томонлар Ўзбекистон Республикаси билан Европа ва трансатлантик ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш масалалари бўйича фикр алмашдилар. Бельгия томони илгари халқларни бир-биридан ажратиб турган ва бундан кейин ҳам ажратиши мумкин бўлган барча омилларни бартараф этиш мақсадида жаҳоншумул Европа тузилмасини янада ривожлантириш муҳимлигини алоҳида қайд этди. Шу маънода томонлар Европа иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида 1996 йил 21 июнда имзоланган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг муҳимлигини таъкидладилар. Томонлар бу битимни имкон қадар қисқа муддатда ратификация қилиш зарурлигини қайд этдилар.

Томонлар барқарорликни, хавфсизлик ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш кенг кўламли Умумевропа нуқтаи назаридан катта аҳамиятга молик эканини яқдиллик билан таъкидладилар. Томонларнинг фикрича, барча давлатлар бу жараёнга кўмаклашиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиши зарур.

Томонлар атроф-муҳит масалаларига алоҳида эътибор беришнинг муҳимлигини қайд этдилар. Бу ўринда Орол денгизининг экологик ҳолати масаласига алоҳида эътибор берилди. Мазкур минтақа давлатлари ва халқаро ҳамжамият биргаликда ҳаракат қилиши зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Бельгия Қироллиги Бош вазири Ж.-Л. ДЕХАНЕ.

Тошкент, 1998 йил 17 апрель.

ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИНИ КЎЗЛАБ

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр кеча Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарини бошлади. Унинг араб мамлакатлари ва Исроил раҳбарлари билан музокаралар чоғида асосий мавзу ушбу ҳудудда тинчлик жараёнини фаоллаштириш йўлларини муҳокама қилишдир. Буюк Британия айни пайтда Европа иттифоқининг раиси бўлмиш мамлакат сифатида кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Маҳаллий сиёсий доиралар ҳам худди шу боис ушбу ташрифга алоҳида эътибор беришаяпти. Шундай қилиб, Тони Блэр фақат ўз мамлакатинингина эмас, балки бутун Европа Иттифоқининг вакили сифатида музокараларда иштирок этади. Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнида фаол иштирок этиш тўғрисида турли доираларда кўпинча гап бўлаётган эди. Исроил эса тинчлик жараёнида Европанинг алоҳида аҳамият касб этишини унутмаслиги ҳам таъкидлаб ўтилаётганди. Блэр эса тинчлик жараёнини боши берк кўчадан олиб чиқиш учун янги-янги ғояларни таклиф этиши кутилмоқда.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КЕНГАЙМОҚДА

Яқин келажакда Европа иттифоқининг аъзоси бўлмиш 40 мамлакат қаторига яна 6 та давлат -- Арманистон, Грузия, Озарбойжон, Босния ва Герцеговина, Югославия ҳамда Белорусь қўшилиши мумкин. Бу ҳақда Ереванда очилган Европа кенгашининг икки кунлик семинарида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича маслаҳатчи Патрик Тисиан айтди. Бундай семинар Арманистонда тўққизинчи бор ўтказиляпти. Бироқ инсон ҳуқуқларига биринчи бор эътибор берилянти.

АНИҚ МУДДАТ БЕЛГИЛАНДИ

Америка Қўшма Штатлари Афғонистондаги қарама-қарши гуруҳларга мурожаат қилиб, шу йилнинг 27 апрелидан тинчлик музокараларига киришишни таклиф этди. Бу ҳақда Исломободда турган Америка делегациясининг раҳбари Билл Ричардсон баёнот берди. У ушбу таклифни толибларга қарши ҳаракат вакили Расул Толиб билан музокаралар пайтида айтди. Авваллари ҳам қарама-қарши томонлар тинчлик музокараларини ўтказишга тайёр эканликларини билдиришганди. Бироқ, музокаралар ўтказишнинг аниқ муддати белгиланмасди. Ниҳоят шу йилнинг 27 апрель куни музокаралар ўтказишга келишиб олинди. АҚШ бу кунни белгилашининг сабаби бор. Чунки, 1977 йилнинг худди шу 27 апрелида Афғонистон Халқ Демократик партиясининг раҳбари Нур Муҳаммад Тараки мамлакат президентига қарши суиқасд уюштирган эди.

ПОЛ ПОТНИНГ ЎЛИМИ

Жаҳон ахборот агентликлари Қизил кхмерларнинг раҳбари Пол Потнинг ўлимини энг муҳим хабар сифатида эълон қилишди. У Анлонг Венг лагерида ўтган пайшанба куни юрак хуружидан 73 ёшида вафот этди. Кейинги йилларда Пол Потнинг ўлганлиги ҳақидаги хабарлар тез-тез тарқалиб турарди. Бироқ унинг бу сафари ўлимига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

БИРИНЧИЛИКДА ХУНТА РАҲБАРИГА ЎРИН ЙЎҚ

Яқинда Лондоннинг «Обсервер» газетаси Францияда бўлажак футбол бўйича жаҳон биринчилигида Нигериядаги ҳарбий хунта раҳбари генерал Сани Абачанинг иштирок этиши ҳақида хабар тарқатган эди. Франция ташқи ишлар вазирлиги ушбу хабар асоссиз экани ҳақида баёнот берди.

Ташқи ишлар вазирлиги вакили И.Дутирионинг таъкидлашича, бу ҳақда Нигерия томонидан ҳеч қандай сўровнома олинмаган, Франция томони ҳам таклифнома жўнатмаган.

Маълумки, футбол бўйича навбатдаги жаҳон биринчилиги жорий йилнинг ёзида Францияда бўлиб ўтади. Нигерия терма жамоаси ҳам унда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЖЎНАТИЛДИ

10 тонна дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган самолёт Марокашнинг Касабланка шаҳридан Ироққа йўл олди. Бу жорий йилда Марокашдаги демократик меҳнат конференцияси касаба уюшмасининг Ироққа жўнатган иккинчи инсонпарварлик ёрдамидир.

Озиқ-овқат ва дори-дармонлар бир неча йилларидан буён халқаро ҳамжамият томонидан жорий қилинган иқтисодий жазо туфайли азият чекаётган Ироқ халқига етказиб берилади.

Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари

ҚАДИМИЙ ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Тарихий илдизлари, тили, дини бир бўлган ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги азалий дўстлик заминида маданий-маънавий уйғунлик ётади. Диёримизда бошланган Қирғизистон Республикаси маданияти кунлари ана шу маданиятлар қардошлигини янада юксак босқичга кўтариши шубҳасиз.

16 апрель куни эрталаб Тошкент аэропортида Қирғизистон Республикаси Давлат котиби Э. Абдураззоқов бошчилигидаги расмий делегацияни Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, маданият ишлари вазири Х. Жўраев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар, ўзбек диёрида самимий қутладилар.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Қирғизистон маданияти кунларининг очилишига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат мадҳиялари янгради.

Жойларда турли учрашувлар, кўргазмаю томошалар, суҳбатлар бўлиб ўтмоқда. Қирғизистонлик қардошларимиз пойтахтимизнинг диққатга сазовар жойлари билан яқиндан танишмоқдалар.

Қирғизистон маданияти кунлари иштирокчиларининг бир гуруҳи Фарғона вилоятига ташриф буюрди. Ипакчилар, уста ҳунармандлар юрти бўлган Марғилон шаҳар шоҳ бекатида вилоят ва шаҳар жамоатчилиги вакиллари ўтмиши, тили, урф-одати бир бўлган қардош халқ маданияти ва санъати намоёндаларини тантанали кутиб олишга тўпланди. Меҳмонлар Андижон ва Наманганга ҳам боришди. Азиз меҳмонлар карнай-сурнай садолари остида ўзбекона иззат-ҳурмат, анвойи гуллар билан қарши олинди. Қардош халқнинг маданият кунлари давом этмоқда.

СЎЗ — ҚИРҒИЗИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАРГА

Эшимбой АБДУРАЗЗОҚОВ, Қирғизистон Республикаси Давлат котиби, делегация раҳбари:

— Мен Тошкентга бундан атиги бир йил олдин келган эдим. Ўтган давр мобайнида мамлакатингизда ниҳоятда катта ўзгаришлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдим. Бу ўзгаришларнинг шиддатли даражада тез, кўлами шу қадар кенгки, кишини шошириб қўяди. Қурилишлар, ободончилик ишлари, ишга тушаётган янгидан-янги корхоналар... Эҳ-ҳе!

Очиғини тан олиш керак, бундай ўзгаришларни МДҲдаги бирор мамлакатда кўриш қийин. Бу, аввало юртингиздаги тинчлик ва барқарорлик, танлаган йўлларингизнинг тўғрилиги-ю, дунё мамлакатлари, жумладан, қўшни давлатлар билан алоқаларнинг яхши йўлга қўйилганлиги билан ҳам изоҳланади.

Чингиз АЙТМАТОВ, Қирғизистон халқ ёзувчиси:

— Ўзбекистон замини қадимдан Марказий Осиё халқларининг маданий-маърифий ўчоғи вазифасини ўтаб келган. Унинг бутун Марказий Осиё халқлари жипслашувини янада кучайтиришдаги ўрни бениҳоя катталигини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Қирғизистон маданияти кунларининг ўтказилиши ҳам икки халқнинг — ўзбек билан қирғизнинг ўзаро бирлигини, яқинлигини мустаҳкамлайди. Бундан икки йил муқаддам Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясига ҳам Тошкентда асос солинган эди. У йирик маданий тадбирларни ўтказиш, шу тариқа Туркистон халқларининг қадим қадриятларини тиклаш ва тарғиб этиш мақсадида тузилган. Ташкилотнинг Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда жойлашгани ҳам бежиз эмаслигига эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу шаҳар азалдан «Осиё дарвозаси» деган ном билан машҳур. У, таъбир жоиз бўлса, Марказий Осиёнинг маёғидир.

КРЕМЛЬ ЎЗИГА ДУШМАН ТОПДИ

Латвияга қарши иқтисодий тазйиқ Россиянинг халқаро обрўсини мустаҳкамламаслиги тайин

Латвияга қарши иқтисодий жазо чораларини эълон қилган Россия маъмурлари бир ўқ билан бир неча қуённи ўлдиришга ҳаракат қилишди: столни муштлаб шу билан қўшниларни ўзини ҳурмат қилишга ундамоқчи бўлди; ҳукумат инқирозидан жамоатчилик эътиборини бошқа ёққа буришга интилди; Бош вазир номзоди бўйича овоз бериш арафасида империяпараст кучларга ён босмоқчи ва пировардида, энг муҳими, амалга ошиши шарт бўлган мажбурий қадам (нефть экспортини қисқартириш)ни гўёки сиқувга олинаётган ватандошларини ҳимоя қилиш мақсадидаги олижаноб ҳаракат сифатида кўрсатмоқчи бўлди.

Аммо, ўйланган режа ижроси кутилганича бўлиб чиқмади. Латвияга нисбатан чоралар ҳукумат ОПЕК илтимосига кўра нефть экспортини қисқартириш тўғрисида эълон қилган кунда жорий этилди. Ҳар ҳолда Кремль икки қарор ўртасидаги муддатни ҳеч бўлмаса бир ҳафтага чўзиш ҳақида ҳам бош қотириб ўтирмади.

Натижада Москванинг яширмоқчи бўлган барча айёрлиги чок-чокидан сўкилди. Тўғрисини айтганда, хорижга нефть етказиб бериш барибир қисқартилиши лозим экан, майли бу Латвия ҳисобидан бўла қолсин, қабилида иш тутилди. Бунинг устига Венспилсс порти эгалари Россия томонининг эътирозига қарамай, уч ой илгари «қора олтин»ни транзит қилиш нархини ошириб қўйгандилар. Латвияни четлаб ўтган ҳолда нефть жўнатиш ҳақида ҳали Рига билан муносабатлар кескинлашмасдан анча олдин Москвада бу ҳақда гап юрганди. Аслини олганда, бу чора фақат иқтисодий манфаатлардан келиб чиқади. Уни русийзабонларни ҳимоя этиш учун қилинаётган олижаноблик сифатида кўрсатиш, кам деганда ёлғонга ишонтириш билан баробар.

Майли, биз Кремль ўз ватандошларини ҳимоялаш мақсадида бу чораларни қўлламоқда, дея унинг бу сўзларига ишондик ҳам дейлик. Лекин шу ўринда бирданига бошқа саволлар ҳам юзага келади. Нега қатъий чоралар бундан беш ҳафта илгари Рига полицияси пенсионерларни таҳқирлаганда эмас ёки бўлмаса уч ҳафта олдин Латвия пойтахтида собиқ эсэсчилар юриши ўтказилгандан кейин эмас, балки фақат бугунга келиб қабул қилинмоқда? Нега Латвия билан биргаликда Эстонияга нисбатан ҳам шундай чоралар қўлланилмаяпти? Ахир, Эстонияда «туб аҳоли бўлмаган»ларнинг ҳуқуқларига доир аҳвол қўшниларига нисбатан зиғирча фарқ қилмайди-ку? Нега Москва Болтиқбўйида яшаётган ватандошларининг аҳволи билан қизиқади-ю, Қозоғистондаги олти миллион руслар сиқувда эканлигига бефарқ қарайди? Ва ниҳоят, нега Россия гўё ҳеч нарса бўлмагандек, кейинги олти йил ичида «апартеид сиёсатини олиб бораётган» Латвия орқали нефть жўнатиб турган?

Иқтисодий таъсир чоралари русийзабонларнинг, биринчи навбатда, айниқса Москва фақат сўзда ғамхўрлик қилаётган ўша бахтсиз нафақахўрлар аҳволини янада оғирлаштиради. Ҳатто энг оғир эмбарго чоралари ҳам Латвия ҳукуматини Москва зуғумига бўйсундиришига ишониш қийин. 1991 йилда Горбачёв томонидан эълон қилинган блокадаларни енгиб ўтиб, ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга интилган Латвия ва эндиликда суверен мамлакат сифатида БМТ ва ЕХҲТ томонидан тан олинган давлат наҳотки бугунги кунда итоат этишга рози бўлса? Россия томонидан беандиша, густоҳона қилинган тазйиқ туфайли Рига маъмурлари фуқаролик тўғрисидаги қонунни юмшатиш бўйича ниятларини эндиликда бу четда Москвага ён босиш тарзида тушунилмаслиги учун ноаниқ муддатга кечиктиришлари мумкин. Россия раҳбарларини эшита туриб, бизнинг мамлакатимизда бугун халқаро доирада Латвия билан муносабатдан кўра муҳимроқ вазифалар йўқ экан-да, деб ўйлаш мумкин. Кичик бир мамлакатдаги аҳволга Россия, Франция ва Германия давлат бошлиқларининг учрашувида сал бўлмаса асосий мавзу сифатида эътибор қаратилди. Италия ташқи ишлар вазирининг Евгений Примаков билан музокаралардан сўнг Рига маъмурларини қоралашини бизга Россия дипломатиясининг улкан ютуғи сифатида таъкидлаб айтишмоқда. Европа тузилмалари билан интеграциялашув, НАТО ва Европа иттифоқи билан ўзаро муносабатлар каби Россия келажаги учун бундан-да муҳимроқ бошқа барча масалалар четга суриб қўйилмоқда.

Россия минтақаларидаги губернаторлар томонидан ўта тезкорлик билан қўллаб-қувватланаётган миллатчилик жазаваси фақат Болтиқбўйи давлатларинигина эмас, балки МДҲ доирасидаги бизнинг ҳамкорларимизни ҳам чўчитиб қўйиши мумкин. Бу билан Москва ички сиёсий аҳволга қарамлиги, қизиққон ва эсига келганини ўрол деб билувчи қўшни сифатидаги анъанасини яна бир бор намойиш этмоқда. Агар бугун Кемерово вилояти губернатори Аман Тулеев Латвияга тёмирйўл орқали маҳсулот жўнатишни тақиқлаш чораларини кўраётган экан, эртага унинг Украина ёки Қозоғистонга нисбатан бундай чоралар қўлламаслигига кафолат борми? Назаримизда, Латвияга қарши спектакль МДҲнинг Москвадаги учрашувига бор-йўғи уч ҳафта қолганда уйналиши ўта ножоиздир. Ўзи ҳозир кўпчилик Москвадаги бу саммит Ҳамдўстлик тарихидаги сўнгги учрашув бўлмаса эди, деб чўчиб турибди.

Максим ЮСИН,
(«Известия» газетаси, 1998 йил 10 апрель сони)

ТАҲРИРИЯТДАН: Россия ва Латвия ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви нафақат бу икки давлат матбуоти, балки жаҳон оммавий ахборот воситалари диққат марказида турибди. Айни чоғда мазкур муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан қандай баҳоланиши кўпчиликни бефарқ қолдирмаяпти. Чунки жаҳон дипломатияси тарихида бундай ҳолат шу пайтгача бирон марта юз бермаган экан. Россиянинг Латвияга нисбатан иқтисодий тазйиқ чоралари қўллаши халқаро ҳуқуқ талабларига тўғри келармикин, деган савол ушбу мақолани кўчириб босишдан аввал бизни ҳам дафъатан қизиқтириб қолди. Мақола муаллифининг «Россия маъмурлари... столни муштлаб шу билан қўшниларни ўзини ҳурмат қилишга ундамоқчи бўлди», дея айтган гапида буюк миллатчилик даврларини қўмсашга ҳам ишора йўқ эмас.

Очиғи, у ёки бу тарздаги санкция дунё ҳамжамияти қабул қилган мезонларга кўра, БМТ томонидан жорий этилиши керак. Тўғри, Россия Латвиядаги русийзабон аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иқтисодий тазйиқ чораларини кўришга мажбур бўляпмиз, дейиши мумкин. Аммо бугунги мутараққий дунёда ҳар қандай санкция ҳуқуқий жиҳатдан асосланган бўлиши лозим эмасми?

Аслини олганда, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича умумжаҳон миқёсида қабул қилинган қоидалар мавжудки, ўз даврида Россия ҳам буни тан олган. Бу ЕХҲТнинг инсон қадр-қиммати ҳақидаги мезонларидир. Унга кўра, Москва дипломатик каналлар орқали Ригага инсон ҳуқуқларининг аҳволи тўғрисида сўров билан мурожаат қилиши керак эди. Бинобарин, бу ҳуқуқлар бузилаётган бўлса, кейин эътироз шаклида арзнома билдирилиши мақсадга мувофиқ, деб топилади. 10 кун давомида Латвия бу арзномага жавоб қайтариши лозим. Томонлар бир ҳафтага кечиктирмасдан музокаралар ўтказиши, мабодо бу музокараларда тегишли келишувга эришилмаса, фуқаролар эркинликлари ва ҳуқуқлари бузилаётганлиги тўғрисидаги материаллар ЕХҲТ барча давлатларига, улар турли даражадаги учрашувларда, жумладан тегишли саммитга йиғилиб, кўриб чиқишлари учун берилиши керак.

Бироқ Россия иқтисодий бойқот йўлини танлади. Ҳуқуқшунослар хулосаларига кўра, амалдаги бу бойқот шакллари умумэътироф этилган ҳеч бир қоидаларга тўғри келмайди. Латвия билан иқтисодий алоқаларни узиб қўйиш халқаро арбитраж томонидан бу давлатга нисбатан иқтисодий зарар келтириш деб баҳоланса, жорий этилган санкция Россиянинг ўзи учун салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Яъни, ҳар қандай арбитраж Латвия тарафини олса ажаб эмас.

Менда таклиф *бор*

НОМИ ИХЧАМРОҚ БЎЛСА

Оммавий ахборот воситаларининг таъсир доираси аҳамияти тобора ортиб бораётганидан мамнуният ҳосил қилиш мумкин. Бундай воситаларсиз келажаги буюк давлатнинг равнақи, ҳар бир дастуриламал аҳамиятга молик қарор ва фармонларнинг ижроси, моҳиятини оммалаштириш мушкуллиги сир эмас. Бир сўз билан айтганда газета, журнал, радио ва телевидениенинг янгича фикрлаш, янги инсонни камол топтиришдаги аҳамияти беназир.

«Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси» ҳам мустақиллик шарофатидан. Фақат, оддий муштарийдан тортиб шу соҳанинг мутахассислари ҳам мазкур жамиятнинг узунроқ талаффузига хос «исм-шарифи» дан ноқулайликка тушишмоқда. Умуман, одамларга мазкур жамиятнинг номини айтгунингча нафасинг қайтгудек бўлади. Бир муштарий сифатида шу муносабат билан таклиф қилмоқчиман. Иложи бўлса, шу жамғармани қисқа ва лўнда қилиб «Мухбир», «Журналист» балки «Ўзбекматбуот» деб аталса қандоқ бўларкин. Ушанда ҳаммага маъқул келиб турган «Ўзбекнаво», «Ўзбекрақс», «Ўзбектеатр» каби атамаларга оҳангдош бўлармиди.

Зафар УМАРОВ

Хатлар, хатлар, *хатлар*

ОЗОДАЛИККА НИМА ЕТСИН

Ўлкамизга сепини ёйиб баҳор келди. Атрофга назар ташласанг, кўзинг қувнайди, баҳри дилинг очилади. Ҳамма ерда тозалаш, кўкламзорлаштириш ишлари авж олган. Наврўз байрами, кечагина ўтган Қурбон ҳайити олдидан ҳамма хонадонларда, кўчаларда, маҳаллаларда, мавзеларда тозалик ҳашарлари ўтказилиб, хайрли ишлар қилинди.. Халқимиз покизаликни ўйлайди, бу қадим удумимиз. Аммо бир нарса кишини ўйлантиради. Шу тозалашлардан кейин чиққан чиқиндилар қаерга ташланади? Уни ўз вақтида олиб кетувчи махсус машиналар қандай ишлаяпти?

Мана, биз яшаётган Жарариқ мавзеси асосан кўп қаватли бинолардан иборат. Хонадонлардан чиқаётган чиқиндиларни тўкиш учун махсус жойлар, идишлар йўқ эмас, бор. Махсус машиналар келиб шу идишларни бўшатиб, тозалаб кетади. Аммо атрофидаги, ерга тўкилган уюм-уюм чиқиндилар қандай бўлса, шундайлигича қолиб кетади. Устига яна келиб қўшилади.

Мана кунлар исий бошлаяпти. Бундай ифлосликдан пашша, чивин кўпаяди. Қаердаки, етакчи суст ишласа, талабчанликни бўшаштирса, ўша жойда, камчиликлар илдиз отаверади. Мавзеимиздаги бу аҳволга, тозаликка масъул шахслар дарҳол тегишли чора-тадбир белгилашларини истаймиз.

Жарариқ мавзеси, 19-уйда яшовчилар номидан Г. МИРҚОСИМОВА.

Хонқа шаҳридаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида оилавий фермерлар чорва маҳсулдорлигини тобора ошириб боришмоқда. Ўринбой Юсупов раҳбарлигидаги «Мустақил» фермер хўжалиги шулар жумласидандир. 1992 йилда ташкил этилган ушбу фермер хўжалиги ўтган 6 йил давомида қарамоғидаги чорва моллари сонини кескин кўпайтирди. Айни пайтда қорамоллар сони 90 бошга, қўйлар сони 30 бошдан ошиб кетди. Шуниси қувончлики, хўжалик уларга дастлабки йилдаёқ уч гектар ер берганди. Ҳозир эса фермерлар ихтиёрида 10 гектар ер бор. Улар эл дастурхонига кўплаб маҳсулот етказиб беришаётир.

СУРАТЛАРДА: 1.Фермер хўжалиги аъзоларидан Музаффар Алимов билан Бозорбой Мадаминов. 2. Илғор сигир соғувчилар Клара Рўзиева, Мамажон Маҳмудова ва Гулором Рўзиевалар.

Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Ўзлик. Бадиий-публицистик кўрсатув.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Кулол Раим бобо».
9.10 «Оила». Тележурнал.
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 «Кетмас давлат берсин».
10.25 «Кино янгиликлари».
10.40 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
11.00 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.05 «Нозигойим». Бадиий фильм.
13.30—14.00 Телевизион миниатюралар театри.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.30 «Нимадир тўғри яшамоқ».
18.50 «Олам ва одам».
19.10 «Тилга эътибор».
19.25, 19.50, 20.25, 20.50, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.25 «Қушиқларим сизга армуғон». Мусиқий дастур.
22.15 «Хавфсизлик ҳимоясида». Тележурнал.
22.35 А.Фитрат. «Абулфайзхон». Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли.
00.15 «Ахборот».
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мультфилм.
18.35 «Пойтахт».
19.05 «Эгиз қушиқлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.15 «Бозор ва мулк».
21.25 «Сёгун». Телесериал.
22.15 «Бурч ва масъулият».
22.25 ТВ-2 — шу ҳафтада.
22.45 «Тун».
23.05 «Даракчи» (рус тилида).
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
00.15—00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденияси
17.20—20.40
*
20.40 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида».
*
Россия давлат телевиденияси
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Аэропорт». Бадиий фильм.
23.05 «Мусиқий меҳмонхона».
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

СЕШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Эстрада тароналари.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Олам ва одам».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инглиз тили».
10.35 Болалар учун. «Малоҳат дарсхонаси».
11.00 «Лоф уришга ким уста». Мультфильм.
11.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
11.30 «Боболардан қолган бу наво». Фильм-концерт.
12.05 «Саргайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
12.30 Кундузги сеанс. «Одам — амфибия». Бадиий фильм.
14.10—14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати» «Трактор» (Тошкент) — «Андижон» (Андижон).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Табиат шайдолари».
18.30 «Меҳрингиз ардогида».
18.50 «Истиқлолим сени куйлайман». Мусиқий дастур.
19.10 «Чорраҳа».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Қалқон».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Чертиб дутор...» Мусиқий дастур.
21.30 «Акс-садо».
22.05 «Саҳна ҳаёти».
22.35 «Оила — маънавият бешиги».
23.05 «Қиймат ва қиммат».
23.20 «Ахборот»
23.45 «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм.
00.50—00.55 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мультфилм.
18.35 «Ёвойи ҳайвонот олами».
18.55 «Болливудга нигоҳ».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Очун».
20.15 Шарқ эстрадаси.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сёгун». Телесериал.
21.50 «Кундалик».
22.00 Спорт қитъаси.
22.30 «Даракчи».
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ. Стивен Болдуин «Инқироз» фильмида.
